



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ ВА МУАММОЛАРИ

Ембергенова Анжिम Айдосбаевна

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ
давлат университети
ORCID 0000-0001-5948-2700*

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасида туризм ва хизмат кўрсатиш фаолияти таҳлили ва муаммолари айtilган, яқин истиқбол йилларида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ва хорижий туризм бозорлари учун ҳудуднинг жозибadorлигини ошириш, туризм, маданий мерос, маданият ва санъат соҳалари инфратузилмасини яхшилаш, янги туризм хизматларини жорий қилиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган ва бу борада ишларнинг амалга оширилиши айtilган.

Калит сўзлар: туризм, хизмат курсатиш, таҳлил, туристик фирма ва ташкилотлар, ташриф буюрувчилар, жамоавий жойлаштириш воситалари, меҳмононалар, меҳмонхоналарнинг тоифаси, ихтисослаштирилган жойлаштириш.

АНАЛИЗ И ПРОБЛЕМЫ ТУРИСТСКО-СЕРВИСНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РЕСПУБЛИКЕ КАРАКАЛПАКСТАН

Ембергенова Анжим Айдосбаевна

*Каракалпакский государственный
университет имени Бердаха*

Аннотация. В данной статье описаны анализ и проблемы туристско-сервисной деятельности в Республике Каракалпакстан, эффективное использование туристического потенциала в ближайшем будущем, повышение привлекательности региона для внутреннего и внешнего туристических рынков, улучшение инфраструктуры туризма, Определены культурное наследие, культура и искусство, внедрение новых туристических услуг, меры по увеличению видов национальной ремесленной продукции, созданию новых рабочих мест в этой сфере, и сказано, что в этом направлении будет проводиться работа.

Ключевые слова: туризм, сервис, анализ, туристические фирмы и организации, посетители, средства коллективного размещения, гости, категория гостиниц, специализированное размещение.

PROBLEMS OF TOURISM AND SERVICE ACTIVITIES IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN

Emberenova Anjim Aydosbaevna
Karakalpak State University named after Berdakh

Abstract. This article describes the analysis and problems of tourism service activities in the Republic of Karakalpakstan, the effective use of tourism potential in the near future, increasing the attractiveness of the region for domestic and foreign tourism markets, improving tourism infrastructure, identifying cultural heritage, culture and art, introducing new tourism services, measures to increase the types of national handicraft products, create new jobs in this area, and it is said that work will be carried out in this direction.

Keywords: tourism, service, analysis, travel companies and organizations, visitors, collective accommodation facilities, guests, hotel category, specialized accommodation.

Кириш.

Маълумки, Қорақалпоғистон Республикасида яқин истиқбол йилларида туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ички ва хорижий туризм бозорлари учун ҳудуднинг жозибadorлигини ошириш, туризм, маданий мерос, маданият ва санъат соҳалари инфратузилмасини яхшилаш, янги туризм хизматларини жорий қилиш, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари турларини кўпайтириш, соҳада янги иш ўринларини яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган ва бу борада ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда туризм соҳасининг иқтисодий-ижтимоий ва институционал ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар Пардаев, Тухлиевлар (2006) ўзларининг “Туристтик ресурслани таҳлил қиилиш ва баҳолаш” номли меҳнатида баён этган. Сафаров (2016) миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича ёзилган диссертациясида ҳам узига хос мулоҳозалар ва уз фикрларини билдирган, ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари, унинг иқтисодийтаги урни ҳақида Алимова (2017) диссертациясида баён этган, Эштаев (2019) “Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси” номли диссертацияси да туризм индустрияси таҳлили аҳамияти бўйича малумотлар келтирган, туризм ва хизмат кўрсатиш фаолияти таҳлили ва муаммолари ҳақида ҳам Сайфутдинов (2022) “Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегияси” номли меҳнатида куплаб маълумотлар берип утган.

Бевосита Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасининг янги йўналишларини ривожлантиришга Халимова, Исмаилов ва бошқа олимларининг (2021) илмий ишлари бағишланган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хусусан, олиб борилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистонда туризм соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектлари сони охириги олит йила мобайнида 4,4 мартага, яъни 3 тадан (2017 йилда) 13 тага (2022 йил) етди. Шунингдек, туристик фирма ва ташкилот томонидан хизмат кўсатилган ташриф буюрувчилар сони ҳам ўрганилаётган давр мобайнида 3.3 маратга кўпайди. Шу билан бирга хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам ошди. Буни сотилган сайёҳлик йўлланмалари қийматининг 2022 йилда 2017 йилга нисбатан 18 мартага, ўртача 1та турстик фирма ва ташкилотнинг хизмат кўрсатиш қиймати 5.5 мартага ошганлигида кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Аммо шу билан бирга ушбу кўрсаткичларни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу ўсиш соясида пасайиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Масалан, агар туристик фирма ва ташкилотлар томонидан хизмат кўрсатган ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръатлари туристик фирма ва ташкилотлар сонининг ўсиш суръатларига нисбатан паст. Аксарият ташриф буюрувчилар (қарийб 90 фоиз) Ўзбекистон фуқаролари ҳисобланади. Хорижий фуқаролар кам қисмини ташкил этади ва уларнинг сони камайиш тенденциясига эга.

1-жадвал

2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикасида фаолият турлари бўйича туристик фирма ва ташкилотлар ҳамда ташриф буюрувчилар сони ўзгариши динамикаси¹²⁴

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2017 йилга нисбатан, марта, %	
Туристтик фирма ва ташкилотлар сони	3	6	7	11	13	4,3 марта	
Хизмат кўрсатилган ташриф буюрувчилар, киши	2932	5392	8194	6853	9780	3,3 марта	
Шулардан:							
Қабул қилинди	1292	1442	178	1230	1070	82,8 фоиз	
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари	242	299	58	1230	1070	4,4 марта	
Жўнатилди	1640	3950	8016	5623	8710	5,3 марта	
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1640	3950	7956	5623	8614	5,2 марта	
Сотилган сайёҳлик йўлланмалари қиймати, млн.сўм	145,9	459,9	420,2	947,8	2677,9	18,3 марта	
1та туристик фирма ва ташкилотнинг хизмат кўрсатиш қамрови	нафар	977	899	1171	623	752	77,0 фоиз
	Қиймат, минг сўм	49,76	85,29	51,28	138,30	273,81	5,5 марта

Шунингдек, ўртача 1та туристик фирма ва ташкилот томонидан хизмат кўрсатган ташриф буюрувчилар сони 977 нафардан (2021 йилда) 752 нафаргача (2022 йилда), яъни 77 фоизга камайган. Бу эса бу борада олиб борилган ишларнинг ижобий деб баҳолаш қийин. Агар кадрлар таъминоти ва уларнинг маълумот даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2017-2022 йиллар мобайнида туристик фирма ва ташкилотларда жами ходимлар сони 3,1 мартага, шундан менежерлар 1,5 мартага, гидлар ва таржмонлар 3 мартага, экскурсоводлар 4,3 мартага кўпайган. Шунингдек, олий маълумотга эга бўлган ходимларнинг сони 2,4 мартага, шундан касбий сайёҳлик бўйича таълим олганлар 1,5 мартага, ўрта махсус таълимга эга бўлганлар – 3,5 мартага кўпайган (2-жадвал).

Соҳада гендерлик тенгликни таъминлаш борасида ҳам маълум натажалар эришилганини кўришимиз мумкин. Яъни умумий ходимлар сонидан аёллар сони 5 нафардан (2017 йил) 8 нафаргача (2022 йил), яъни 1,6 фоизга ошган. Бироқ кадрлар таъминоти ва уларнинг салоҳиятини ошириш борасида маълум даражада ишлар олиб борилган бўлса ҳам, бу йўналишда қаратиш лозим бўлган соҳалар мавжуд. Масалан, олий маълумотга эга бўлган ходимларнинг улуши камайиб бормоқда, яъни 2017 йилда уларнинг улуши 55,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда эса бу кўрсаткич 42,8 фоизни ташкил этган. Шундан бевосита касбий сайёҳлик таълимини олганларнинг улуши 2017 йилда 40 фоизни, 2022 йилда эса 25 фоизни ташкил этган.


¹²⁴ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

2-жадвал

2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикасида туристик фирма ва ташкилотлар ходимлари сони ўзгариши динамикаси¹²⁵

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2017 йилга нисбатан, % ёки марта
Жами (ўриндошларсиз)	9	18	16	18	28	3,1 марта
Шундан менежерлар	2	3	2	м.й.	3	150,0 фоиз
Гидлар ва таржимонлар	м.й.	1	5	1	3	3 марта
экскурсоводлар	3	1	4	11	13	4,3 марта
Улардан маълумотга эга: Олий	5	м.й	м.й.	8	12	2,4 марта
шу жумладан касбий сайёҳлик таълими	м.й.	2	1	1	3	150,0 фоиз
Ўрта махсус	4	8	6	10	14	3,5 марта
Умумий сонидан аёллар	5	9	9	4	8	160,0 фоиз

Бу кўрсаткичлар туризм соҳасида кадрлар салоҳияти пасайганлигидан далолат беради. Худудда жамоавий жойлаштириш воситалари фаолиятини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари сони 2017-2022 йиллар давр мобайнида 13,9 фоизга кўпайган. Аммо ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари сони 13 тага (2017 йилга нисбатан 56,5 фоизга), катта ёшлар учун санатрия 1 тага (мос равишда 16,7 фоизга), бошқа ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари эса 9 тага (75,0 фоизга) камайган. Кемпинглар сони эса шу давр мобайнида ўзгаришсиз қолган (1-расм).



1-расм. 2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикасида жамоавий жойлаштириш воситалари фаолияти ўзгариши динамикаси¹²⁶

¹²⁵ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

¹²⁶ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

Шу билан бирга дам олиш пансионати, дам олиш уйлари ва базалари, ота-онаси билан бирга болалар учун санатория, доимий фаолият кўрсатувчи соғломлаштириш санатория оромгоҳи, туристик база каби ихтисослаштирилган жойлаштириш воситалари ҳамда дала ховли каби индивидуал жойлаштириш воситалари умуман ташкил этилмаган.

Жамоавий жойлаштириш воситаларининг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, жойлаштириш воситалардаги объектлар сони 70 тадан (2017 йилда) 62 тагача (2022 йилда) камайган, гарчи 2018 йилдан бошлаб бу кўрсаткич мунтазам равишда йилига 10 тага кўпайиб борган бўлса ҳам. Худди шундай тенденция номерлар (хоналар) ҳамда жойлар сони бўйича ҳам кузатилган. Яъни 2022 йилда уларнинг сони 2017 йилга нисбатан уларга мос равишда 69,2 ва 68,8 фоизни, 2018 йилга нисбатан эса – 186,4 ва 247,9 фоиз, яъни қарийб 2,5 мартани ташкил этган (3-жадвал).

3-жадвал


2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикасида жамоавий жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахслар сони¹²⁷

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2017 йилга нисбатан, %, марта
Улардаги объектлар, бирлик	70	32	42	52	62	88,6 фоиз
Номерлар (хоналар) сони, бирлик	1661	617	925	1113	1150	69,2 фоиз
Жойлар сони, бирлик	4688	1301	2396	2862	3225	68,8 фоиз
Жойлаштирилган шахслар сони, жами	50309	43903	53847	42185	34973	69,5 фоиз
Шу жумладан фуқаролар: Ўзбекистондан	43140	31259	38445	38118	27530	63,8 фоиз
МДХ мамлакат-ларидан	1073	2112	2969	1496	2323	2,2 марта
Узоқ хорижий мамлакатларидан	6096	10532	12433	2571	5120	84,0 фоиз
Тунаб қолишлар сони, жами	672324	76570	240270	239430	251648	37,4 фоиз
Шу жумладан фуқаролар: Ўзбекистондан	638401	58647	216441	230039	238702	37,4 фоиз
МДХ мамлакат-ларидан	24661	3479	6149	3716	4315	17,5 фоиз
Узоқ хорижий мамлакатларидан	9262	14444	17680	5675	8631	93,2 фоиз

Шундан келиб чиққан ҳолда уларда жойлаштирилган шахслар сони 30,5 фоизга, шундан Ўзбекистон фуқаролар сони 36,2 фоизга, узоқ хорижий мамлакатлари фуқаролари сони 16,0 фоизга ошган. Қувонарли ҳолат шундаки, ушбу воситаларда жойлашган МДХ мамлакатларидан келган сайёҳлар сони 2017-2022 йиллар давр мобайнида 2,2 мартага кўпайган. Тунаб қолишлар сонини таҳлил қилинаётган давр мобайнида кузатадиган бўлсак, уларнинг пасайиш тенденцияси янада кескин тус олган. Жумладан, 2022 йилда 2017 йилга нисбатан тунаб қолган фуқаролар сони 37,4 фоизни, шу жумладан Ўзбекистон фуқаролари сони 37,4 фоизни, МДХ мамлакатларидан келган сайёҳлар сони – 17,5 фоизни, узоқ хорижий мамлакатлари фуқаролари сони – 93,2 фоизни ташкил этган. Меҳмонхоналарнинг юлдузи кесими бўйича таҳлили шуни кўрсатдики, 1 юлдузли меҳмонхоналарнинг сони 2017 йилда 5 тадан 2022 йилда 10 тага, яъни 2 мартага ошган, 3 юлдузли меҳмонхоналарнинг сони эса мазкур давр мобайнида 3 мартага, тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналарнинг сони 64,7 фоизга

¹²⁷ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

кўпайган. 2 юлдузли меҳмонхоналар сони 2017, 2018 ва 2019 йилларда 1 тани ташкил этган бўлиб, 2 юлдузли меҳмонхона 3 юлдузли меҳмонхонага айланганлиги боис 2022 йилда биронта шу тоифадаги меҳмонхона қайд этилмаган (2-жадвал).



2-расм. 2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикаси бўйича меҳмонхоналарнинг сони (тоифалари (юлдузи) кесимида) ¹²⁸

Ушбу меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахслар сони ҳам 2017-2022 йиллар мобайнида ортиб борган. Хусусан, бу кўрсаткич 29434 нафардан (2017 йилда) 32634 нафаргача (2022 йилда), яъни 110,9 фоизга, шундан тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахслар сони 150,3 фоизга кўпайган (4-жадвал).

Меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахсларнинг фуқаролиги кесимида таҳлил қилганимизда, таҳлил қилинаётган давр мобайнида Ўзбекистон фуқаролари сони 112,3 фоизга, шундан тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахслар сони 169,6 фоизга, МДХ мамлакатлари фуқаролари сони 2,5 мартага, шундан 3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштирилган МДХ мамлакатлари фуқаролари – 3,8 мартага, тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналарда жойлаштирилган МДХ мамлакатлари фуқаролари – 2,7 мартага ошган. Аммо шуни таъкидлаш керакки, 1 ва 3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштирилган шахслар сони уларга мос равишда 64,5 ва 61,8 фоизга, шундан Ўзбекистон фуқаролари сони – 62,8 ва 75,7 фоизга, узоқ хорижий мамлакатлари фуқаролари сони – 98,2 ва 32,6 фоизга камайган. Шунингдек, 1 юлдузли меҳмонхонада жойлашган МДХ мамлакатлари фуқаролари сони 59,8 фоизга, тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналарда жойлашган узоқ хорижий мамлакатлари фуқаролари сони 10,3 фоизга камайган. Сайёҳатнинг мақсадлари кесимида таҳлил қилганимизда аксарият саёҳатларнинг (2022 йилда умумий сонидан 22 фоиз) таълим, бўш вақт ва дам олиш учун ташриф буюрган. Шунингдек таъкидлаш керакки, 2019 йилда шу мақсадларда келган сайёҳларнинг сони таҳлил қилинаётган давр мобайнида энг кўп кузатилган, яъни 14345 нафарни ташкил этган. Бу 2017 йилга нисбатан 2,2 марта, 2022 йилга нисбатан эса 1,8 марта кўпдир. Транзит, дўконларга ташриф буюриш, даволовчи ва соғломлаштирувчи муолажалар олиш, зиёрат қилиш мақсадлари билан келган сайёҳатчилар сони эса жуда кам ва уларнинг сони йиллар бўйича ўзгариб борган. Дўстлар ва қариндошлардан хабар олиш, таълим ва касбий тайёргарлик мақсадларида ташриф буюрган сайёҳатчилар сони 2017 йилда уларга мос равишда 5,6 ва 3,7 фоизга ташкил этган. Кейинги йилларда уларнинг сони кескин камайиб бориб 2022 йилга келиб дўстлар ва қариндошлардан хабар олиш мақсадида ташриф буюрувчилар сони 431 нафарни, таълим ва касбий тайёргарлик мақсадларида ташриф буюрувчилар сони

¹²⁸ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

эса 140 нафарни ташкил этган. Шунинг таъкидлаш кераки, транзит мақсадида ташриф буюрувчилар сони 2022 йилда 196 нафарни ташкил этган, бу 2017 йилга нисбатан 24,5 марта кўпдир (5-жадвал).

4-жадвал

**2017-2022 йилларида Қорақолпоғистон Республикаси бўйича
меҳмонхоналарнинг тоифаси (юлдузи) ¹²⁹**

Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2017 йилга нисбатан, %, марта
Жойлаштирилган шахслар сони, жами	29434	38468	39951	28112	32634	110,9 фоиз
1 юлдузли	6481	1097	1444	2867	2300	35,5 фоиз
3 юлдузли	3396	548	526	28	1297	38,2 фоиз
тоифага эга бўлмаганлар	19321	36416	37618	24835	29037	150,3 фоиз
Шу жумладан фуқаролар: Ўзбекистондан	22430	25824	24707	24086	25191	112,3 фоиз
1 юлдузли	6041	914	1386	2796	2249	37,2 фоиз
3 юлдузли	3113	389	350	24	818	26,3 фоиз
тоифага эга бўлмаганлар	13042	24114	22701	20973	22124	169,6 фоиз
МДХ мамлакатларидан	927	2112	2811	1455	2323	2,5 марта
1 юлдузли	112	158	35	41	45	40,2 фоиз
3 юлдузли	93	39	56	2	351	3,8 марта
тоифага эга бўлмаганлар	722	1915	2627	1323	1927	2,7 марта
Узоқ хорижий мамлакатлардан	6077	10532	12433	2571	5120	84,3 фоиз
1 юлдузли	328	25	23	30	6	1,8, фоиз
3 юлдузли	190	120	120	2	128	67,4 фоиз
тоифага эга бўлмаганлар	5557	10387	12290	2539	4986	89,7 фоиз

5-жадвал

2017-2022 йилда сафар мақсадлари бўйича меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахсларнинг тақсимланиши¹³⁰

Йиллар	Жами	Шу жумладан сафар мақсадлари бўйича:								
		шахсий мақсадлар:								иш юзасидан ва касбга оид мақсадлар
		таътил, бўш вақт ва дам олиш	дўстлар ва қариндошларда н хабар олиш	таълим ва касбий тайёргарлик	даволовчи ва соғломлаш-тирувчи	зиёрат қилиш	дўконларга ташрифлар	Транзит	бошқа шахсий мақсадлар	
2017	38653	6355	2160	1440	152	20	м.й.	8	5068	23450
2018	43903	10047	2009	133	63	101	14	2	5639	25895
2019	43749	14345	245	105	76	733	2	1	10378	17864
2021	30338	4397	9	7	м.й	563	м.й.	м.й.	2326	23036
2022	34973	7801	431	140	35	м.й.	м.й.	196	5007	21363

¹²⁹ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

¹³⁰ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

Агар меҳмонхоналарда тунаш муддати бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият меҳмонлар (2022 йилда ташриф буюрувчиларнинг 92,2 фоизи) 1-3 кун давомида меҳмонхонада турар экан. 2018 йилда шу муддат давомида тунаб қолган сайёҳатчилар сони таҳлил қилинаётган давр ичида энг кўп кузатилган. Яъни 2018 йилда 1-3 кун тунаб қолганлар сони 41055 нафарни ташкил этилиб, бу ва 2017 йилга нисбатан 21,5 фоизга, 2022 йилга нисбатан 27,3 фоизга кўпдир (6-жадвал).

6-жадвал

2017-2022 йилларда туриш муддати бўйича ихтисослаштирилган жойлаштириш воситаларида жойлаштирилган шахсларнинг тақсимланиши¹³¹

Йиллар	Жами	Туриш муддати бўйича:					
		1 – 3 кун тунаш	4 – 7 кун тунаш	8 – 28 кун тунаш	29 – 91 кун тунаш	92 – 182 кун тунаш	183 – 365 кун тунаш
2017	38653	33800	2348	995	84	2	1424
2018	43903	41055	1997	788	62	1	-
2019	43749	39679	2743	1251	76	-	-
2021	30338	27911	1663	728	35	1	-
2022	34973	32247	1938	659	119	8	2

Умуман олганда, таҳлиллар шуни кўрсатадики, ташриф буюрувчилар одатда меҳмонхоналарда 3 ойгача қолишни маъқул кўришади. Меҳмонхоналарда 3-6 ойгача қолган сайёҳлар сони жуда кам бўлиб, 2017 йилда 2 нафарни, 2018 йилда 1 нафарни, 2022 йилда 8 нафарни ташкил этган. Агар меҳмонхоналарда тунаб қолиш муддатини сайёҳларнинг фуқаролиги бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 1-3 кун тунаган Ўзбекистон фуқаролари ҳамда хорижий имамлакат (шу жумладан МДХ мамлакатлари) фуқаролари сони нисбати 2017 йилда 80:20 фоиздан 2022 йилда 78: 22 фоизгача ўзгарган. Шунингдек, аксарият Ўзбекистон фуқаролари (2022 йилда умумий сонидан 71,3 фоиз ва 1-3 кун тунаган фуқароларнинг умумий сонидан 69,4), МДХ мамлакатлари фуқаролари (мос равишда 91,9 фоиз ва 92,4 фоиз), хорижий мамлакатлар фуқаролари (97,7 фоиз ва 97,9 фоиз) Нукус шаҳрида тунаб қолиш маъқул кўришган.

Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган таҳлил натижалари Қорақолпоғистон Республикасида туризм соҳасида ривожлантириш лозим бўлган соҳалар мавжудлигини кўрсатди. Улар қуйидагилар:

- худудда ташкил этилган туристик фирма ва ташкилотлар ҳамда уларни ташриф буюрувчилар номувофиқ равишда кўпайиб бормоқда, туристик фирма ва ташкилотлар сонининг ўсиш суръати ташриф буюрувчилар сонининг ўсиш суръаларидан илгарилаб кетмоқда. Бу эса туристик фирма ва ташкилотнинг хизмат кўрсатиш қамровини пасайишига олиб келмоқда;

- худудда фаолият кўрсатувчи туристик фирма ва ташкилотларида ишлайдиган ходимларнинг салоҳияти (маълумоти ва малакаси) паст даражада. Олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши кам (яъни 2022 йилда олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши 42,8 фоизи, бевосита соҳа бўйича таълим олганларнинг улуши эса 25 фоизини ташкил этган) ва бу кўрсаткич мунтазам равишда пасайиб бормоқда (2017 йилда уларга мос равишда 55,5 фоизни ва 40 фоизни ташкил этган);

- жойлаштириш воситалардаги объектлар сони камайиб бормоқда. Жумладан, жойлаштириш воситалардаги объектлар сони 70 тадан (2017 йилда) 62 тагача (2022

¹³¹ муаллиф томонидан <https://qrstat.uz> расмий маълумотлар асосида тузилган.

йилда) камайган. Бу эса сайёҳларнинг сони камайишига олиб келди. Хусусан, 2017-2022 йиллар мобайнида жойлаштириш воситалардаги объектларида жойлаштирилган шахслар сони 15336 нафарга камайган;

- худудда асосан 4та тоифадаги (1 юлдузли, 2 юлдузли, 3 юлдузли ва тоифага эга бўлмаган) меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти (2022 йилда 68,3 фоизи) тоифага эга бўлмаган меҳмонхоналаридир. Тоифа (юлдузга)га эга бўлган меҳмонхоналарнинг сони эса кам (2022 йилда 10та 1-юлдузли, 3та 3-юлдузли меҳмонхоналар фаолият кўрсатган). 4-юлдузли ва 5-юлдузли меҳмонхоналар эса умуман ташкил этилмаган. Бу эса тўлов қобилияти юқори бўлган хорижий мамалакатлари фуқаролари учун шароит етарли даражада шаклланмаганлигидан далолат беради;

- сайёҳатчиларнинг худудга ташриф буюришнинг асосий мақсадларидан таътил, бўш вақт ва дам олиш, дўстлар ва қариндошларлардан хабар олиш, таълим ва касбий тайёргарик ҳисобланади. Даволаш ва соғломлаштирувчи муолажалар, зиёрат қилиш, дўконларга ташриф буюриш ҳамда транзит мақсадида ташриф буюрган сайёҳлар сони нисбатан кам. Бу эса худудда тегишли инфратузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантиришни талаб этади;

- аксарият сайёҳатчилар худудда 1-3 кун муддатда тунашади. Масалан, 2022 йилда ташриф буюрувчиларнинг 92,2 фоизи 1-3 кун тунаб кетишган. Шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари (2022 йилда умумий сонидан 71,3 фоиз ва 1-3 кун тунаган фуқароларнинг умумий сонидан 69,4), МДХ мамлакатлари фуқаролари (мос равишда 91,9 фоиз ва 92,4 фоиз), хорижий мамлакатлар фуқаролари (97,7 фоиз ва 97,9 фоиз) Нукус шаҳрида тунаб қолишган. Бу эса ташриф буюрувчиларни қизиқтирадиган турли туристик турларни уюштириш ҳамда Қорақолпоғистон Республикасининг бошқа худудларда ҳам жамоавий жойлаштириш воситаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Adabiyotlar/ Лумература/ Reference:

Алимова М.Т. (2017) *Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* -С.: СамИСИ, - 265 б.

Қарор (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 26-апрелдаги ПҚ-135-сон қарори.*

Пардаев М.Қ., Атабаев Р. (2006) *Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.* - Самарқанд: СамИСИ, - 137 б.

Сайфутдинов Ш.С. (2022) *Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегияси. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафадоктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* - Тошкент.: -14-16-бетлар.

Сафаров Б.Ш. (2016) *Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* - С.: СамИСИ, - 254 б.

Тухлиев Н., Абдуллаева Т. (2006) *Национальные модели развития туризма.* - Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», - 424 с.

Халимова М.О. (2021) *Экоинновационные механизмы развития туризма в приаралье // Бюллетень науки и практики.* –Т. 7. - №1. С.77-82.

Халимова М.О. (2021) *Экоинновационные механизмы развития туризма в приаралье // Бюллетень науки и практики.* - Т. 7. - №1. С. 77-82.

Эштаев А.А. (2019) *Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида) Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* -С.: СамИСИ, – 246-б.